

АҲЛИ СУННА ВАЛ-ЖАМОА МАНҲАЖИДА ТАКФИР МАСАЛАСИ

Нурматов Нодир

"Маърифий тарғибот маркази" давлат муассаси.

Диний-маърифий бўлим бош мутахассиси.

Аннотация: Такфир — бир мусулмонни куфрда айблаш ёки уни ислом доирасидан чиқаришни англатадиган илмий ва шарий масаладир. Аҳли сунна вал-жамоа уламолари бу борада ўта эҳтиёткор йўлни тутганлар. Уларга кўра, иймон ва куфр инсоннинг қалбидаги эътиқод, тилидаги иқрор ва аъзоларидаги амаллар билан бозлиқ бўлиб, ҳар бир гуноҳ ёки бидъат такфир сабаби бўлолмайди. Мақолада такфирнинг лугавий ва шарий маъноси, унинг шартлари ва аҳли суннанинг мувозанатли манҳажси таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: такфир, иймон, куфр, аҳли сунна вал-жамоа, фикҳ, ақида, Абу Ҳанифа, Матуридий.

Кириш. Араб тилида “такфир” сўзи الكفر (“куфр”) сўзидан келиб чиққан бўлиб, “ёпмоқ”, “пинҳон қилмоқ”, “бартараф этмоқ” маъноларини англатади. Шариат истилоҳида эса “такфир” — мусулмонни куфрда айблаш ёки уни ислом доирасидан чиқариш ҳукмини бериш демакдир.

Аллоҳ таоло шундай деган:

مُؤْمِنًا لَسْتَ السَّلَامَ إِلَيْكُمْ أَلْقَى لِمَنْ تَقُولُوا وَلَا

«Сизларга салом берган кишига “Сен мўмин эмассан” деманглар.» (Нисо сураси, 94-оят)

Бу оят мусулмонни такфир қилишда эҳтиёткорлик лозимлигини кўрсатади.

Асосий қисм

1. Такфирнинг шариатдаги мезонлари

Аҳли сунна уламолари такфир масаласини қатъий ва илмий мезонлар билан белгилаб берганлар. Уларга кўра, бир киши фақат қуйидаги ҳолатларда кофир бўлади:

1. Аллоҳни ёки унинг сифатларидан бирини инкор этса;
2. Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарлигини ёлғон деб билса;
3. Қуръоннинг бир оятини инкор этса ёки масхара қилса;
4. Ислоннинг зарурий бир ҳукмини (намоз, закот, рўза) инкор этса.

Бу ҳақда Имом Абу Ҳанифа (р.х.) шундай деган:

يستحلّه لم ما بذنب القبله أهل من أحداً نكفر ولا

«Аҳли қибладан бўлган ҳеч бир кимсани гуноҳи сабабли кофир демаймиз, агар у гуноҳни ҳалол деб билмаган бўлса.»

(Ал-Фикҳ ал-Акбар)

Демак, фақат “гуноҳ иш қилиш” тақфир учун асос эмас; “гуноҳни ҳалол деб билиш” — куфрнинг белгисидир.

2. Аҳли сунна вал-жамоанинг эҳтиёткор манҳажи

Аҳли сунна уламолари “тақфирда шошилмаслик”ни асосий қоида сифатида белгилаганлар. Имом Ғаззолий “Файсал ат-тафриқа” асарида шундай дейди:

واحد مسلم دم سفك في الخطأ من أهون الحياة في كافر ألف ترك في الخطأ

«Минтадбирсиз бир мусулмоннинг қонини тўкиш хатоси, минг кофирни тирик қолдириш хатосидан оғирроқдир.»

Имом Насафий эса “Ақоид ан-Насафия”да шундай таъкидлайди:

الإسلام من القبلة أهل من أهدأ نخرج ولا

«Биз аҳли қибладан бирон кишини исломдан чиқармаймиз.»

3. Замонавий ғулув ва “соҳта салафийлар” хатоси

Бугунги кунда баъзи жамоатлар тақфир масаласида ғулувга кетиб, мусулмонларни осонликча куфрда айблашмоқда. Улар “ҳукм билан куфр”, “амал билан куфр”ни чалкаштириб, аҳли суннанинг эҳтиёткор йўлини тарк этганлар.

Аслида салаф ас-солихиннинг йўли шундай бўлган:

أحدهما بها اءب فقد كافر، يا: خيه لأ الرجل قال إذا

«Ким бир мусулмонга “эй кофир” деса, бу сўз иккиларидан бирига қайтади.»

(Саҳиҳ Бухорий, №6104)

4. Имом Абу Ҳанифа ва Матуридийнинг фикри

Имом Абу Ҳанифа ва унинг шогирди Имом Матуридийнинг таълимотида тақфир масаласида мувозанат марказий ўрин тутади. Улар иймонни қалб, тил ва амал жамланмаси деб билишган, аммо амал тарк этишни дарҳол куфр деб ҳисобламайди.

سواء الأصل في وأهله ينقص، ولا يزيد لا الإيمان

«Иймон ортиб ҳам, камайиб ҳам бормаиди, ва унинг аҳли зотан баробардир.»

(Ал-Фикҳ ал-Ақбар)

Бу қараш тақфирда эҳтиёткорликнинг илмий асосидир.

Хулоса. Аҳли сунна вал-жамоа манҳажида тақфир — шариат илми билан боғлиқ оғир ҳукмдир. У фақат аниқ далиллар ва ижтиҳод даражасидаги илм эгалари томонидан баён қилинади.

Мусулмонни куфрда айблашда эҳтиёт бўлиш — иймоннинг нишонасидир.

Ҳар бир гуноҳ, бидъат ёки хато сўз инсонни кофир қилмайди, то у Аллоҳ ва Расулини инкор этмаган бўлса.

Фойдаланилган адабийотлар

1. Имом Абу Ҳанифа. Ал-Фикҳ ал-Акбар.
2. Имом Насафий. Ақоид ан-Насафия.
3. Имом Ғаззолий. Файсал ат-тафриқа байна-л-ислам вал-зиандақа.
4. Ибн Абидин. Раддул-Мухтор ала-д-Дурр ал-Мухтор.
5. Ибн Таймия. Ас-Сарим ал-Маслул ала шаатим ар-Расул.
6. Саҳиҳ Бухорий, “Иймон” китобидан.